

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ГАЗИЕВ АДХАМ

**ҚОРАҚЎЛ ҚЎЙЛАРИНИ САМАРАЛИ СЕЛЕКЦИЯЛАШНИНГ
ЭКОЛОГИК ВА ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ**

**06.02.01 – Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва
генетикаси. Қорақўлчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Газиев Адхам

Қоракўл кўйларини самарали селекциялашнинг экологик ва
генетик асослари..... 3

Газиев Адхам

Экологические и генетические основы эффективной селекции
каракульских овец 31

Gaziev Adkham

Ecological and genetic bases of effective breeding of Karakul sheep..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 63

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ГАЗИЕВ АДХАМ

**ҚОРАҚЎЛ ҚЎЙЛАРИНИ САМАРАЛИ СЕЛЕКЦИЯЛАШНИНГ
ЭКОЛОГИК ВА ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ**

**06.02.01 – Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва
генетикаси. Қорақўлчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАҲЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Qx181 рақами билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzkarakul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Юсупов Суръатбек Юнусович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Арипов Ўктам Хаджимуратович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Умаров Шавкат Рамазанович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Аширов Бахтиёр Муродуллаевич қишлоқ хўжалиги фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Ипакчилик илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140154, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 47-уй. Тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81) e-mail: uzkarakul30@mail.ru Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (199-рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 140154, Самарқанд, М.Улуғбек кўчаси, 47-уй. институт маъмурий биноси, 1-қават. Тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Н.А. Бобоқулов
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш раиси,
к.х.ф.д., профессор

З.С. Кличев
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
к.х.ф.ф.д. (PhD)

Д. Холмирзаев
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси ўринбосари,
к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда қорақўл қўйлари эволюцион жиҳатдан шаклланганлик, экологик жиҳатдан чўл шароитига мослашганлик, ирсий жиҳатдан мустаҳкамланганлик, турли ранг, рангбаранглик, гул хусусиятлари билан характерланувчи қимматли генофонд ҳисобланиб, дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида муваффақиятли урчитилади. Ушбу давлатлардан энг йириклари Афғонистон, Жанубий Африка республикаси, Намибия, Эрон бўлиб, Жанубий Африка республикаси ва Намибияда селекция-наслчилик ишларини юритиш яхши илмий асосга эга. Ушбу давлатларда қўйларнинг ирсияти мустаҳкамланган ва етиштирилган қорақўл териларининг 70-80 фоизи бир хил муар расмли маҳсулот ҳисобланиб, уларда етиштириладиган қорақўл териларининг ассортименти унчалик кенг бўлмасда, сифатининг юқорилиги ҳисобига дунё бозорларида қиммат баҳоларда сотилади.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидан қорақўл қўйларини урчитиш билан Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қолмиқ республикаси, Молдавия, Украинада шуғулланилади. Ушбу давлатларда турли ранг, рангбаранглик, гул типларидаги қорақўл қўйларининг қимматли генотиплари яратилган. Уларда ишлаб чиқарилаётган қорақўл терилари кенг ассортименти билан характерланади. Бундай характерли маҳсулотлар етиштиришда қайд этилган давлатларнинг олимлари томонидан қорақўл қўйларининг ирсий хусусиятларини янги экологик шароитларда такомиллаштириш, уларнинг юқори маҳсулдор сурувларини яратиш, селекция белгиларининг турғунлик даражаларини ошириш йўналишларида олиб борилган тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон дунёнинг энг йирик қорақўлчилик давлатларидан ҳисобланиб, бу ерда зотнинг салоҳиятида мавжуд бўлган барча ранг, тус, рангбаранглик ва гул типларидаги қўйлар мавжуд. Қорақўл қўйларининг ирсиятини мустаҳкамлаш ва унинг турғунлигини ошириш урчитиш шароити билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу ҳолат хайвон ирсиятининг турли экологик шароит, яъни ташқи муҳит таъсирига кўрсатадиган муносабатига боғлиқ бўлади. Таъсир кўрсатадиган генларнинг ташқи муҳитга турли реакцияси белгиларнинг намоён бўлиши бўйича маълум ва сезиларли даражалардаги модификацион ўзгарувчанликни келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан турли экологик шароитларда урчитиладиган қорақўл қўйларида белгилар намоён бўлишининг максимал ва минимал даражаларини аниқлаш асосида уларни селекциялашнинг экологик – генетик асосларини ишлаб чиқиш долзарб ва зарур бўлган муаммо ҳисобланади. Унинг ечимини топиш соҳада селекция – наслчилик ишларини юқори даражада олиб бориш Ўзбекистон давлати ва ҳукумати томонидан яратиладиган ташкилий шароитларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “...қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотларига аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабини қондириш” га алоҳида эътибор қаратилган. Соҳани ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2841-сон “Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора – тадбирлар тўғрисида” ги, 2018 йил 14 мартдаги ПҚ-3603-сон “Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги, 2019 йил 16 августдаги ПҚ-4420-сон “Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги, 2020 йил 2 сентябрдаги ПҚ-4817-сон “Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги, 2021 йил 9 февралдаги ПҚ-4984-сон “Қоракўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора – тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари, 2020 йил 2 сентябрдаги ПФ-6059–сон “Ўзбекистон Республикасида Пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги фармони ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Маълумки, қоракўл қўй зоти дунёнинг кўпчиликларида давлатларида урчитилади. Хориж олимлари томонидан турли рангли қоракўл қўйлари селекцияси бўйича мажмуий тадқиқотлар бажарилмаган. Жанубий Африка республикаси ва Намибия давлатларида кўп йиллик селекция-тадқиқот ишлари натижасида қоракўл қўйлариининг ясси ва қовурғасимон типлардаги муар расмли, юпка тери қоплами билан характерланувчи, қимматли SWAKARA деб номланувчи қоракўл терилари берадиган қўйлар сурувлари яратилган.

Қоракўл қўйлари селекцияси бўйича Қозоғистон республикасида салмоқли тадқиқот ишлари бажарилиб, турли ранг, рангбаранглик ва гул типларидаги қўйларнинг юқори маҳсулдор завод типлари яратилган. Ушбу давлат олимларидан қоракўлчиликни юритишнинг илмий асосларини яратишга М.А.Ширинский, К.Е. Елемесов, Т.Умурзаков, А.М.Омбаев, А.С.Ахметшиев, Х.И.Укбаев, М.Ескараев, М.Туекбасов, Ж.Паржанов ва

¹ Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

бошқалар салмоқли ҳисса кўшганлар. Уларнинг тадқиқотларида турли рангдаги қоракўл қўйлари ирсияти, селекцион белгиларининг ўзгарувчанлиги ўрганилиб, қоракўл қўйларини урчитишда инбридинг усулини қўллаш принциплари ишлаб чиқилган.

Туркменистон давлатида Э.М.Эрман томонидан қора рангли жакет типли қўйларни, Г.Е.Габрильянц томонидан қовурғасимон типли қўйларни, С.С.Сапронов томонидан сур рангли қўйларни чўл шароитида самарали урчитишнинг илмий асосланган усуллари ишлаб чиқилиб, уларнинг юқори маҳсулдор завод типлари яратилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қоракўл қўйларини селекциялаш, уларнинг янги тип ва тизимларини яратиш, ирсий ва наслий хусусиятларини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва бозор талабларига мослаш йўналишларида хориж олимларидан В.М. Юдин, Н.С. Гигинейшвили, К.Е. Елемесов, М.А. Ширинский, Х.И. Укбаев, А.М.Омбаев, Т.Умурзаков, А.Ахметшиев, Е.К.Габрильянц, М.А.Виноградова, мамлакатимиз олимларидан И.Н.Дьячков, М.А.Кошевой, В.И.Стойновская, Е.В.Одинцова, Р.Г.Валиев, Б.Л.Исаянц, С.М.Будагов, А.А.Беленко, У.Х.Арипов, С.Ю.Юсупов, А.Газиев, А.Ибрагимов, А.Р.Рахимов ва бошқалар томонидан кенг қамровли тадқиқот ишлари амалга оширилган. Ушбу тадқиқотлар натижасида қоракўл қўйларининг генофонди кенгайтирилиб, уларни селекциялашнинг самарали селекцион, генетик ва биотехнологик усуллари ишлаб чиқилган, юқори маҳсулдор тип, тизим ва сурувлари яратилган. Кўпчилик олимлар тадқиқотларида (Б.Н.Васин, В.И.Стойновская, А.Ибрагимов, А.Рахимов, С.Юсупов, С.Бозоров ва бошқалар) сур рангли қоракўл қўйларининг ўсиш, ривожланиш, селекцион белгиларининг намоён бўлиш хусусиятлари ўрганилиб, улардан самарали фойдаланиш йўллари асослаб берилган.

Сур қўйларнинг ранг, рангбаранглик хусусиятлари, ифодаланиши, ўтиш кескинлиги, гул кўрсаткичлари, уларнинг намоён бўлиш даражаларини ўрганиш бўйича ҳам қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган (Н.С.Гигинейшвили, Ю.Жуманиёзов, С.Юсупов, А.Газиев, А.Хақназаров, А.Ибрагимов, А.Рахимов, С.Бозоров, Б.Маматов, А.Болтаев ва бошқалар). Лекин ушбу тадқиқотларни бажаришда муҳим генетик параметрлар ҳисобланган селекцион белгиларнинг корреляцион боғлиқлик ва ирсийланиш хусусиятларини экологик ҳудудларга боғлиқ ҳолда ўрганишга кам эътибор қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларининг 01.02.-“Ҳар хил генотип ва ташқи муҳит мувозанатида гул кўрсаткичларининг сақланиши ва ўзгарувчанлигини ўрганиш асосида қора рангли қоракўл қўйлари селекциясининг самарали усуллари ишлаб чиқиш” (2000-2002 йй.), 16.8 дастурининг 01.01.-“Экспортга йўналтирилган маҳсулот етиштиришни кўпайтиришни таъминловчи қоракўл зотининг салоҳиятидан

унумли фойдаланиш, қоракўл хом – ашъёсига ишлов бериш ва баҳолашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш” (2003-2005 йй.) мавзулари, ҚХА-15-001-“Қоракўл маҳсулотининг экспортбоплигини оширишга йўналтирилган кўйларнинг генофондини кенгайтириш, уларни сертификациялашнинг селекцион-генетик технологиясини ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй), ҚХА-6-14-“Қоракўл кўйлари ирсий асосланган белгиларининг намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш асосида уларнинг генетик салоҳиятидан фойдаланишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш” (2012-2014 йй.) ва ҚХА-А-КХ-2018-60-“Фермер хўжаликлари шароитида наслчилик ишларини юритишни жадаллаштириш ва соддалаштиришни таъминловчи қоракўл кўйлари маҳсулдорлик салоҳиятини бошқаришнинг селекцион-генетик усулини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) мавзуларидаги амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли экологик урчитиш ҳудудларида муҳим селекцион белгилар намоён бўлишининг максимал ва минимал чегараларини, уларнинг ирсий асосланганлик ва мустақамланганлик, ирсийланиш ва корреляцион боғлиқлик даражаларини аниқлаш асосида қоракўл кўйларини самарали селекциялашнинг экологик – генетик асосларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот вазифалари:

турли ташқи муҳит шароитида қоракўл кўйлари муҳим селекцион белгиларининг намоён бўлиш ва ўзгарувчанлигини ўрганиш ва шу асосда кўзиларни танлашнинг оптимал муддатларини аниқлаш;

турли экологик шароитда қоракўл кўйларининг қимматли генофондини кенгайтириш ва сертификациялаш орқали қоракўл терилари экспортбоплигини оширишнинг экологик – генетик омилларини аниқлаш;

турли экологик шароитда қоракўл кўйларида ирсий асосланган белгиларнинг намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш ва уларнинг генетик салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишларини аниқлаш;

турли экологик шароитида қоракўл кўйлари маҳсулдорлик салоҳиятини бошқаришнинг жадаллашган ва соддалашган усуллари ишлаб чиқиш;

турли экологик ҳудудларда қоракўл кўй зотининг салоҳиятидан унумли фойдаланиш орқали экспортбоп қоракўл маҳсулоти салмоғини кўпайтиришнинг илмий асосланган йўллари аниқлаш;

тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли экологик ҳудудларда урчитилувчи тоза зотли қора ва сур рангли қоракўл кўйлари, кўчқорлари, кўзилари, қоракўл терилари танланган.

Тадқиқотнинг предмети турли экологик ҳудудларда урчитилувчи қора ва сур рангли қоракўл кўйлари авлодларида муҳим селекцион белгиларнинг намоён бўлиш, наслга берилиш, ирсийланиш, корреляцион боғлиқлик ва ўзгарувчанлик даражалари ва хусусиятларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни олиб боришда умум қабул қилинган зоотехния, ирсиятнинг имкониятларини кўрсатувчи генетик-математик ва статистик усуллардан фойдаланилган. Қоракўл кўзиларида

селекцион белгиларни баҳолаш С.Ю.Юсупов ва бошқаларнинг “Қорақўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва кўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш) бўйича қўлланма”си (2015), олинган маълумотларга статистик ишлов бериш Н.А.Плохинскийнинг «Руководство по биометрии для зоотехников» қўлланмасида берилган “Ўртача арифметик қийматларни аниқлаш усули”(1969), белгилар орасидаги корреляция коэффицентларини (r) аниқлаш Г.Ф.Лакиннинг “Корреляцион таҳлил усули” (1968), ирсийлик коэффицентларини (h^2) аниқлаш Н.А.Плохинскийнинг “Дисперсион таҳлил” (1964) усули асосида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор турли ташқи муҳит шароитида қорақўл қўйлари муҳим селекцион белгиларининг намоён бўлиш ва ўзгарувчанлигини ўрганиш асосида кўзиларни танлашнинг оптимал муддатлари турли белгилар бўйича кумли ва гипсли чўлда 16-22, адир шароитида 10-15 кун эканлиги аниқланган;

илк бор турли экологик шароитда қорақўл қўйлариининг қимматли генофондини кенгайтириш ва сертификациялаш асосида қорақўл терилари экспортбоплигини 10,0-23,7 фоизгача оширишнинг экологик-генетик омиллари аниқланган;

илк бор турли экологик шароитда қорақўл қўйларида ирсий асосланган белгиларнинг намоён бўлиш, ирсийланиш ва боғлиқлик хусусиятлари ўрганилган ва уларнинг генетик салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари аниқлаш асосида муҳим кўрсаткичларнинг намоён бўлиш даражаларини белгилар миқёсида 24,38 фоизгача ошириш мумкинлиги исботланган;

илк бор турли экологик ҳудудларда қорақўл қўйлари маҳсулдорлик салоҳиятини бошқаришнинг беш муҳим белгиларга асосланган соддалашган усуллари ишлаб чиқилган ва ушбу усуллар уларнинг корреляцион боғлиқлик коэффицентини 0,83 гача, ирсийлик коэффицентини 0,64 гача оширишни таъминлаган;

илк бор турли экологик ҳудудларда қорақўл қўй зотининг салоҳиятидан унумли фойдаланиш орқали юқори сифатли қорақўл маҳсулоти салмоғини 91,5 фоизгача кўпайтиришнинг илмий асосланган йўллари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Олиб борилган тадқиқотларда муҳим селекцион белгиларнинг намоён бўлиш ва ўзгарувчанлик хусусиятларини ўрганиш натижасида ҳар бир экологик урчитиш ҳудуди учун кўзиларни танлаш ва қорақўл териларининг сифатини баҳолашнинг оптимал муддатлари аниқланиб, конкрет тавсиялар шакллантирилган, экспортбоп қорақўл маҳсулоти салмоғини оширишнинг зот салоҳиятидан унумли фойдаланиш, қўиларнинг қимматли генофондини кенгайтириш ва уларнинг наслини сертификациялашга асосланган тамойиллари ишлаб чиқилган. Ирсий асосланган белгиларнинг ҳар бир экологик ҳудудда намоён бўлиш, ирсийланиш, боғлиқлик хусусиятларига асосланган қўиларнинг генетик салоҳиятидан унумли фойдаланиш, уни бошқаришнинг соддалашган усуллари амалиётга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унинг 20 йилдан ортиқ давр давомида бир неча такрорийликда тоза зотли қора ва сур рангли қоракўл қўйларида бажарилганлиги, олинган маълумотларга вариацион статистика усулларида математик ишлов берилганлиги, фарқланишларнинг ишончлилиги критерийлари аниқланганлиги, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро даражаларда ўтказилган илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти илмий кенгаши мажлисларида (2000-2020 йиллар), Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази (2000-2017 йиллар) ва Ўзбекистон ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг (2018-2020 йиллар) апробация комиссиялари томонидан синовдан ўтказилиб, ижобий баҳоланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда қоракўл қўйлари селекцияси самарадорлигини ошириш йўллари экологик-генетик жиҳатдан илмий асосланган. Тадқиқотлар давомида қоракўл қўйлари маҳсулдорлик кўрсаткичларининг намоён бўлиши, селекция белгиларнинг ирсийлик, корреляция ва ўзгарувчанлик коэффицентлари, наслга берилиш кўрсаткичларининг ўхшашлик ва фарқланиш хусусиятлари, экологик шароитнинг таъсир этиш чегаралари илмий талқин этилган, селекция жараёнини соддалаштириш тамойиллари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўзиларни селекция баҳоланишнинг оптимал муддатларининг аниқланганлиги, қоракўл маҳсулоти экспортбоплигини оширишнинг селекция ечимлари белгиланганлиги, қўйларнинг ирсий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, селекция жараёнини соддалаштириш тамойиларининг ишлаб чиқилганлиги ва ушбу ечимларни амалиётда қўллашнинг самарали эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қоракўл қўйларини самарали селекциялашнинг экологик-генетик асосларини ишлаб чиқиш йўналишида олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида ишлаб чиқилган:

турли “генотип ва ташқи муҳит” мувозанатида муҳим селекция белгиларининг намоён бўлиш ва ўзгарувчанлигини ўрганиш асосида қўзиларни танлашнинг оптимал муддатларини аниқлаш усули Бухоро вилоятининг “Жонгелди” қоракўлчилик МЧЖ да жорий этилган (Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг 2021 йил 13 июлдаги 3-1/786-сон маълумотномаси). Натижада 1 дона қоракўл терисини етиштиришдан олинган соф фойда 12,3 минг сўмни, рентабеллик даражаси 56,8 фоизни ташкил этган;

турли “генотип ва ташқи муҳит” мувозанатида муҳим селекция белгиларининг намоён бўлиш ва ўзгарувчанлигини ўрганиш асосида қўзиларни танлашнинг оптимал муддатларини аниқлаш усули Навоий вилоятининг “Сарибел” (ҳозирги “Янгиказган нурли диёр”) қоракўлчилик МЧЖ да жорий этилган (Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг 2021 йил 13 июлдаги 3-1/786-сон маълумотномаси). Натижада

1 дона қоракўл терисини етиштиришдан олинган соф фойда 12,6 минг сўмни, рентабеллик даражаси 57,8 фоизни ташкил этган;

турли “генотип ва ташқи муҳит” мувозанатида муҳим селекцион белгиларининг намоён бўлиш ва ўзгарувчанлигини ўрганиш асосида кўзиларни танлашнинг оптимал муддатларини аниқлаш усули Навоий вилоятининг “Нурота” (ҳозирги “Нурота қоракўл наслчилики”) қоракўлчилик МЧЖ да жорий этилган (Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитасининг 2021 йил 13 июлдаги 3-1/786-сон маълумотномаси). Натижада 1 дона қоракўл терисини етиштиришдан олинган соф фойда 12,5 минг сўмни, рентабеллик даражаси 57,2 фоизни ташкил этган;

қоракўл кўйлари ирсий асосланган белгиларининг намоён бўлиши бўйича уларнинг ирсий салоҳиятидан самарали фойдаланиш усули Бухоро вилояти “Жонгелди” МЧЖ да жорий этилган (Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитасининг 2021 йил 13 июлдаги 3-1/786-сон маълумотномаси). Натижада 1 дона қоракўл терисидан соф фойда 10,8 минг сўмни, рентабеллик даражаси 47,9 фоизни ташкил этган;

қоракўл кўйлари ирсий асосланган белгиларининг намоён бўлиши бўйича уларнинг ирсий салоҳиятидан самарали фойдаланиш усули Навоий вилояти “Сарибел” (ҳозирги “Янгиказган нурли диёр”) МЧЖ да жорий этилган (Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитасининг 2021 йил 13 июлдаги 3-1/786-сон маълумотномаси). Натижада 1 дона қоракўл терисидан соф фойда 11,5 минг сўмни, рентабеллик даражаси 49,9 фоизни ташкил этган;

қоракўл кўйлари маҳсулдорлик салоҳиятини бошқаришнинг соддалаштирилган усули Бухоро вилояти “Жонгелди” МЧЖ да жорий этилган (Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитасининг 2021 йил 13 июлдаги 3-1/786-сон маълумотномаси). Натижада 1 дона қоракўл терисидан соф фойда 11,2 минг сўмни, рентабеллик даражаси 49,8 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг Илмий кенгаши йиғилишларида (2000-2020 йиллар), Бухоро вилоятининг “Жонгелди”, Навоий вилоятининг “Сарибел” (ҳозирги “Янгифозгон нурли диёр”) ва “Нурота” (ҳозирги “Нурота қоракўл наслчилики”) МЧЖларининг ишлаб чиқариш йиғилишларида (2000-2020 йиллар), халқаро ва республика даражаларидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 29 та, шу жумладан халқаро ва республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида 14 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, шундан 2 таси хорижий нашрларда, илмий мақолалар чоп этилган, 2 тавсияномалар, 2 рисоалар, 3 монографиялар нашр этилиб, селекция ютуғи учун Ўзбекистон республикасининг 2 Давлат патенти олинган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 6 боб, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 198 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати илмий жиҳатдан асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган. Ушбу қисмда диссертация мавзуси бўйича ҳорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик ҳолати, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончилиги, илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши ҳамда диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида республика ва хориж олимлари томонидан қорақўл қўйлари ирсий асосланган белгиларининг намоён бўлиш хусусиятларини, селекцион белгиларнинг турли экологик урчитиш ҳудудларида ёш даврлари бўйича сақланиши, ўзгариши, корреляцион боғлиқлиги, ирсийланиши ва наслдан-наслга берилишини ўрганиш йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилиниб, тегишли хулосаларга келинган.

Диссертация ишининг **“Тадқиқотни бажариш шароити, материали ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида қорақўл қўйлари урчитиш ҳудудларининг табиий-иқлим, яйлов-озуқа шароитларига таъриф берилган, тадқиқот манбаи ва тадқиқотни бажариш услублари ёритилган.

Тадқиқотлар 2000-2020 йилларда Бухоро вилоятининг “Жонгелди”, Навоий вилоятининг “Сарибел” (ҳозирги “Янгиказган Нурли диёр”) ва “Нурота” (ҳозирги “Нурота қорақўл наслчилиги”) МЧЖ ларида урчитилувчи тоза зотли қора ва бухоро сур қорақўл қўйларида бажарилган. Турли экологик шароитга эга бўлган чўл ҳудудларининг табиий-иқлим, яйлов-озуқа шароитлари, уларнинг бир-биридан фарқланиш хусусиятлари баён этилган.

Қора ва сур рангли қорақўл қўйларида олинган авлодларда муҳим гул кўрсаткичлари, жун толаларининг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари, ранг ва рангбаранглик кўрсаткичлари, айрим ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларининг намоён бўлиш, сақланиши, ўзгариши, белгиларнинг наслга берилиши, ирсийланиши, корреляцияларини ўрганиш, маълумотларга вариацион статистика усулларида ишлов беришда қўлланилган усул ва услублар ёритилган.

Диссертациянинг **“Турли экологик шароитда муҳим селекцион белгиларнинг намоён бўлиши ва ўзгарувчанлигини аниқлаш”** номли учинчи бобида турли экологик шароитда қорақўл қўйлари авлодларида муҳим селекцион белгиларнинг намоён бўлиш, ўзгарувчанлик, наслга ўтиш,

ирсийланиш ва корреляцион боғлиқлик хусусиятларини ўрганиш йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган.

Маълумки, муҳим гул кўрсаткичлари кўзиларнинг туғилган пайтида энг юқори даражада намоён бўлиб, кейинчалик улар маълум ўзгарувчанликка учрайди. Ушбу ўзгарувчанлик кўрсаткичи қанчалик паст бўлса, ҳайвон наслий жиҳатдан шунчалик қимматли ҳисобланади.

Қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда олиб борилган тадқиқотларда олинган авлодларда гул ҳамда ранг ва рангбаранглик кўрсаткичларининг намоён бўлиш даражалари ўрганилди (1 ва 2-жадваллар).

Маълумотлар таҳлили умуман олганда ҳар иккала рангга мансуб кўйлар ўз салоҳиятини авлодларга юқори даражада ўтказиш хусусияти билан характерланишини, ушбу салоҳиятни юзага чиқаришда эса маълум фарқланишларга эга бўлишини кўрсатади. Масалан, қора рангли кўйлар, авлодларининг $46,4 \pm 2,01$ фоизи узун гуллар билан характерланса, бу кўрсаткич сур рангли кўйлар авлодлари орасида $43,1 \pm 2,0$ ва $42,5 \pm 2,94$ фоизни ташкил этишини кўриш мумкин.

1-жадвал

Авлодларнинг гул сифати кўрсаткичлари

Ранг-лар	Хўжаликлар	n	Шундан, % ($\bar{X} \pm S\bar{x}$)					
			Гул узунлиги		Гул мустаҳкамлиги		Гулларнинг жойлашиш расми	
			узун	ўрта	ўта мустаҳкам	мустаҳкам	ПК	ПТ
Қора	Жонгелди	614	$46,4 \pm 2,01$	$43,0 \pm 2,00$	$30,1 \pm 1,85$	$45,1 \pm 2,01$	$50,0 \pm 2,02$	$28,1 \pm 1,81$
Сур	Сарибел	608	$43,1 \pm 2,0$	$38,0 \pm 1,97$	$27,9 \pm 1,82$	$44,4 \pm 2,02$	$41,3 \pm 2,00$	$33,1 \pm 1,91$
	Нурота	282	$42,5 \pm 2,94$	$39,1 \pm 2,91$	$29,8 \pm 2,72$	$46,8 \pm 2,97$	$43,2 \pm 2,95$	$31,9 \pm 2,78$

ПК - параллел – концентрик; ПТ – параллел - тўғри

Қайд этиш жоизки, сур рангли кўйлар авлодлари орасида наслий қимматлилиқни пасайтирувчи қисқа гулли кўзилар салмоғи ($18,4$ ва $18,9\%$) қора рангли кўйлар авлодларига нисбатан ($10,6 \pm 1,11\%$) деярли икки баравар кўплиги билан характерланади.

Муҳим селекцион кўрсаткичлар ҳисобланган гулларнинг мустаҳкамлиги ва тери сатҳида жойлашиш расми бўйича олинган маълумотлар ҳам ушбу кўрсаткичлар бўйича ирсий салоҳиятнинг қора рангли кўйларда юқорирок даражада фойдаланилишини кўрсатади.

Гулларнинг сифати билан бир қаторда кўйларнинг қимматлилиги шу гулларни ҳосил қилувчи жун-тола қоламнининг сифат ва ўлчамли кўрсаткичлари билан узвий боғлиқ. Бу хусусиятлар кўйларни урчитишнинг экологик шароитларига қараб фарқланади.

Ушбу йўналиш тадқиқотларида олинган маълумотлардан тажрибадаги кўйлар салоҳиятининг авлодларга кучли берилишини кузатиш мумкин. Кучли ва меъёрли жун-тола ипаксимонлиги билан характерланувчи кўзилар салмоғи экологик ҳудудлар бўйича қора рангли кўйлар авлодларида $96,7$ фоизни, сур рангли кўйлар авлодларида эса $77,2-79,3$ фоизни ташкил этиши

ва бундай ҳолатнинг жун-тола қоплами ялтироқлигида ҳам кузатилиши аниқланди.

Сур рангида жуда кўп рангбарангликлар мавжуд. Улар ўта муҳим белгилар бўлиб, кумушсимон, тилласимон, олмос рангбарангликлари қимматли ҳисобланади, уларнинг намоён бўлиши қўйларнинг наслий қимматлилигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Тадқиқотларда сур рангли қўйлар авлодларида қумли чўл экологик ҳудудида кумушсимон ($73,5 \pm 1,48\%$), тилласимон ($10,6 \pm 1,03\%$), олмос ($11,7 \pm 1,08\%$) рангбарангликлардаги қўзилар салмоғининг 95,8 фоизни, адир шароитида мутаносиб равишда 72,6; 7,1 ва 16,7 фоизни, жами 96,4 фоизни ташкил этишидан бу кўрсаткичга экологик ҳудуднинг сезиларли таъсир этмаслигини кўриш мумкин.

Рангнинг тери сатҳида ифодаланиш ва текислик даражалари муҳим аҳамиятга эга бўлган белгилар ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қўйларнинг салоҳиятини баҳолаш мақсадида улардан олинган авлодларда рангнинг ифодаланиш ва текислик даражаларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилди (2-жадвал).

2-жадвал

Авлодларда рангнинг ифодаланиши ва текислиги, % ($\bar{X} \pm S\bar{X}$)


Ҳудудлар	n	Ранг ифодаланиши		Ранг текислиги	
		аъло	ўрта	текис	ўрта
Қумли чўл	890	$89,3 \pm 1,04^x$	$7,6 \pm 0,89$	$89,9 \pm 1,01^x$	$7,6 \pm 0,89$
Адир	594	$78,8 \pm 1,68$	$15,1 \pm 1,47^x$	$80,1 \pm 1,64$	$11,1 \pm 1,29^x$

x) - $P < 0,001$; x - $P < 0,05$

Жадвал маълумотларининг таҳлили бўйича таъкидлаш лозимки, ранг ифодаланиши бўйича бу кўрсаткич турли ҳудудларда урчитилувчи сур қўйлардан олинган авлодларда мутаносиб равишда $89,9 \pm 1,01$ ва $7,6 \pm 0,89$ ҳамда $78,8 \pm 1,68$ ва $15,1 \pm 1,47$ фоизни ташкил этади ва кузатилган фарқлар статистик ишончли ($P < 0,001$ ва $0,05$). Ушбу ҳолатни ранг текислиги бўйича ҳам кўриш мумкин ва уни адир шароитида жун толаларининг қўзиларнинг турли топографик қисмларида турлича бўлиши билан изоҳлаш ўринли.

Тадқиқотлар давомида белгилар намоён бўлишининг селекцион асосларини ўрганиш билан бир қаторда ушбу белгиларнинг генетик параметрларини ўрганиш орқали улар намоёнланишининг ирсий асосларини аниқлаш ишлари ҳам амалга ошириб борилди. Бу борада улар орасидаги коррелятив боғлиқлик ва ирсийлик коэффицентлари ўрганилди.

Тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда йиллар давомида олинган селекцион натижалар бўйича аниқланган генетик параметрларнинг ўзгарувчанлик даражаларини таққослаш ишлари амалга оширилди (1-расм, 3-жадвал).



1-расм. Селекцион белгиларнинг корреляцион боғлиқлигининг ўзгариши

3-жадвал

Белгиларнинг ирсийлик коэффицентларининг ўзгариши

Белгилар	Ирсийлик коэффиценти (h^2)			
	Қора		Сур	
	2013	2014	2013	2014
Гул узунлиги	0,53	0,51	0,49	0,46
Гул мустахамлиги	0,61	0,62	0,53	0,55
Гулларнинг жойлашиш расми	0,49	0,41	0,45	0,47
Жун толасининг:				
Ипаксимонлиги	0,39	0,42	0,32	0,29
Ялтироқлиги	0,43	0,42	0,39	0,32
Пигментацияси	0,52	0,49	-	-
Ранг текислиги	-	-	0,53	0,43
Ранг ифодаланиши	-	-	0,61	0,53
Рангбаранглик	-	-	0,45	0,41

Белгилар орасидаги корреляцион боғлиқлик даражалари тўғрисидаги маълумотларнинг таҳлили ушбу боғлиқларнинг статистик жиҳатдан юқори ишончлилик даражасига эга эканлигини ва шу билан бир қаторда йиллар бўйича маълум катталиқка пасайганлигини кўрсатди. Шундай натижаларни селекцион белгиларнинг ирсийланиш коэффицентлари бўйича ҳам кузатиш мумкин. Бундай ҳолат мақсадли селекция олиб бориш натижасида белгиларнинг ирсий жиҳатдан мустахамланиб, уларнинг намоён бўлиш даражаларининг кучайишини ва ўзгарувчанлик даражаларининг қисқаришини таъминлайди деган хулосага олиб келади.

Селекцион белгиларнинг силжиш ўзгарувчанлиги, %

Белгилар	Ранглар									
	Қора					Сур				
	2012 йил	2013 йил	2014 йил	3/2	4/2	2012 йил	2013 йил	2014 йил	3/2	4/2
Гул узунлиги	87,9	89,4	93,2	+1,7	+6,03	80,1	81,6	92,35	+1,87	+15,29
Гул мустаҳкамлиги	72,6	75,2	82,0	+3,58	+12,94	72,3	76,6	85,0	+5,94	+17,57
Гулларнинг жойлашиш расми	73,0	78,1	80,3	+6,99	+10,0	73,1	75,1	80,9	+2,74	+10,67
Жун толасининг:										
Ипаксимонлиги	95,1	96,7	94,6	+1,68	-0,53	75,0	78,3	86,85	+3,07	+15,8
Ялтироқлиги	87,8	90,1	91,9	+2,62	+4,67	73,8	77,0	87,15	+4,34	+18,09
Пигментация	90,2	91,9	92,3	+1,88	+2,33	-	-	-	-	
Ранг текислиги	-	-	-	-	-	88,6	89,9	92,05	+1,47	+3,89
Ранг ифодаланиши	-	-	-	-	-	88,6	89,3	92,35	+0,79	+4,23
Рангбаранглик	-	-	-	-	-	72,4	73,5	90,05	+1,52	+24,38

Эслатма: 3/2 - 2013 йил 2012 йилга нисбатан, % (+,-) фарқланиш бошланғич кўрсаткичга нисбатан; 4/2 - 2014 йил 2012 йилга нисбатан, % (+,-)

Ушбу хулосани 4-жадвал маълумотлари тасдиқлайди. Бунда гул узунлигининг намоён бўлиши даражаси 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 1,7 фоизга ошган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 6,03 фоизни ташкил этгани аниқланди. Мазкур кўрсаткич мутаносиб равишда сур рангли кўйлар бўйича +1,87 ва 15,29 фоизни ташкил этади. Ўрганилган бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Хулоса қилиш мумкинки, кўйлар билан мақсадли селекция ишларини олиб бориш, ушбу жараёнда экологик шароит ва белгиларнинг генетик параметрларини инобатга олиш кўйларнинг ирсий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини сезиларли оширишни таъминлайди.

Диссертация ишининг **“Қорақўл кўйлари қимматли генофондини кенгайтириш ва сертификациялаш орқали қорақўл терилари экспортбоплигини оширишнинг экологик-генетик омилларини аниқлаш”** деб номланувчи тўртинчи бобида қорақўл терилари экспортбоплигини оширишнинг экологик-генетик омиллари, авлодларда муҳим селекцион белгиларнинг намоён бўлиш, кўйлар ирсиятининг йиллар давомида яхшиланиши ва селекция дифференциаллари, белгиларнинг ирсийланиши ва селекция самарасини аниқлаш, кўйлар наслини сертификациялаш тамойилларини ишлаб чиқиш йўналишларидаги тадқиқот натижалари умумлаштирилган.

Ушбу йўналишда бажарилган тадқиқотларда авлод сифати бўйича баҳолаш асосида ва қорақўл маҳсулотига бозор талабини ҳисобга олган ҳолда турли рангдаги қорақўл кўчқорларининг насл хусусиятларига тавсиф берилди.

Таъкидлаш лозимки, гул, ранг, рангбаранглик кўрсаткичлари бўйича қимматли қорақўл териларини етиштириш имконияти қорақўл зоти

салоҳиятида мавжуд, лекин бундай қўйларнинг миқдори кам ва улар ҳозирча камчил генотиплар ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан уларни миқдорий ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммодир.

Қайд этилган муаммолардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотларда қора ва сур рангли қўйларида камчил генотипларни кўпайтириш имконини берувчи селекцион-генетик ечимларни топиш йўналишида тадқиқотлар олиб борилди (5-жадвал).

Маълумотлардан кўриш мумкинки, қора рангли қўйлар авлодларида ярим доира қаламгул типли кўзилар $70,6 \pm 2,19$ фоизни, сур рангли қўйлар авлодларида $68,6 \pm 2,50$ фоизни ташкил этган бўлса, бу тип чиқимининг ўртача популяцион кўрсаткичи $44,6 \pm 48,4$ фоизга тенг бўлиб, кузатиладиган $18,1-24,0$ фоизлик фарқланишлардан ($P < 0,001$) мақсадли селекция шароитида камчил генотипларни қисқа вақт ичида кўпайтириш мумкин деган хулосага келиш ўринли бўлади.

Шунга ўхшаш ҳолатларни қовурғасимон ва ясси типли қўйларни жуфтлаш натижаларини таҳлиллашда ҳам кўриш мумкин.

5-жадвал

Қўйларни турли вариантларда жуфтлаш натижалари

Жуфтлаш вариантлари		n	Шу жумладан, % ($\bar{X} \pm S\bar{x}$)			Элита синфли, % ($\bar{X} \pm S\bar{x}$)
♂	♀		ярим доира қаламгул	қовурғасимон	ясси	
Қора рангли қўйлар						
Ярим доира қаламгул*	Ярим доира қаламгул*	432	$70,6 \pm 2,19^x$	$14,1 \pm 1,67$	$9,5 \pm 1,41$	$40,5 \pm 2,36^x$
Қовурғасимон	Қовурғасимон	296	$12,4 \pm 1,91$	$72,3 \pm 2,60^x$	$11,1 \pm 1,83$	$43,8 \pm 2,88^x$
Ўртача популяцион кўрсаткич (қаламгул типли бўйича)		896	$48,4 \pm 1,67$	$17,9 \pm 1,28$	$15,1 \pm 1,20$	$19,4 \pm 1,32$
Ўртача популяцион кўрсаткич (қовурғасимон типли бўйича)		734	$21,8 \pm 1,52$	$50,1 \pm 1,85$	$13,7 \pm 1,27$	$18,7 \pm 1,45$
Сур рангли қўйлар						
Ярим доира қаламгул*	Ярим доира қаламгул*	346	$68,6 \pm 2,50^x$	$13,7 \pm 1,85$	$9,1 \pm 1,55$	$39,6 \pm 2,62^x$
Ясси	Ясси	281	$14,1 \pm 2,08$	$104,6 \pm 2,11$	$64,9 \pm 2,85^x$	$36,9 \pm 2,88^x$
Ўртача популяцион кўрсаткич (қаламгул типли бўйича)		791	$44,6 \pm 1,77$	$20,4 \pm 1,43$	$15,9 \pm 1,30$	$18,6 \pm 1,38$
Ўртача популяцион кўрсаткич (ясси типли бўйича)		626	$24,5 \pm 1,72$	$18,4 \pm 1,55$	$40,6 \pm 1,96$	$17,2 \pm 1,51$

X) $P < 0,001$

* - ярим доира қаламгул типининг энг кучли генотипли элита гуруҳи

Шу билан бирга гомоген жуфтлашда авлодларда қимматли элита синфли кўзиларнинг 2 баравар кўпайишини кузатиш мумкинки, бу камчил генотипларни кескин кўпайтириш билан бир қаторда уларнинг сифат ва ирсий кўрсаткичларининг яхшиланишини таъминлайди.

Камчил генотипларни кўпайтиришда селекцион йўлларнинг қандай генетик асосга эга эканлигини аниқлаш нуқтаи назаридан тадқиқотлар давомида муҳим белгиларнинг ирсийланиш коэффицентлари ўрганилди (6-жадвал).

Жадвал таҳлилидан турли хил селекциялаш шароитида муҳим селекцион белгиларнинг авлодларда намоён бўлишига ирсиятнинг бир хилда таъсир кўрсатмаслигини, ушбу таъсирнинг ногенетик, яъни паратипик факторлар таъсирида маълум ўзгарувчанликка учраш ҳолатларини яққол кўриш мумкин. Олиб борилган тадқиқотларда қўйларни гомоген жуфтлашда ирсиятнинг мустаҳкамлиги сабабли унинг барча селекцион белгиларга кучли таъсир кўрсатиши аниқландики, бу таъсирнинг гетероген жуфтлаш ва ўртача популяция миқёсида сезиларли пасайиб бориши кузатилди.

6-жадвал

Муҳим селекцион белгиларнинг ирсийланиш коэффицентлари

Селекцион белгилар	Ирсийланиш коэффиенти (h^2)		
	Гомоген жуфтлашда	Гетероген жуфтлашда	Ўртача популяцион кўрсаткич
1. Гул кўрсаткичлари:			
- ярим доира қаламгул тип	0,638	0,495	0,436
- коворғасимон тип	0,746	0,512	0,445
- яссигул тип	0,624	0,514	0,458
2. Сур ранги рангбарангликлари:			
- кумушсимон	0,598	0,463	0,376
- тилласимон	0,512	0,445	0,420
- олмос	0,497	0,472	0,418

Хулоса қилиш мумкинки, қўйларни белгилари бўйича жуфтлашда имкони борича бирхиллаштириш улар ирсиятининг таъсирини кучайтиради ва авлодларда қимматли белгиларнинг намоён бўлиш ва мустаҳкамланиш даражаларини оширади.

Маълумки, мақсадли селекция ишларини юритиш бирламчи гуруҳга нисбатан кейинги бўғин (F_2 , F_3 ...) авлодларда ирсиятнинг мустаҳкамлашига олиб келади.

Тадқиқот давомида олинган F_2 (иккинчи бўғин) авлодлари даражасида қўйлар ирсиятининг яхшиланиши бирламчи гуруҳга нисбатан белгиларнинг ривожланиш даражаларини, яъни селекция дифференциалларини ўрганиш орқали аниқланди. Олинган натижалар 7-жадвалда умумлаштирилган.

Муҳим белгилар бўйича селекция дифференциаллари (S)

Белгилар намоёнлиги	Хўжаликлар					
	Жонгелди			Сарибел		
	Бирлам- чи гуруҳ	F ₂ авлод	S	Бирлам- чи гуруҳ	F ₂ авлод	S
Гул типи, %	63,87	80,9	17,1	-	77,3	-
Гул узунлиги, %	83,5	86,3	2,8	-	82,8	-
Гул мустаҳкамлиги, %	74,2	89,5	15,3	-	81,5	-
Гуллар расми, %	65,2	77,9	12,7	-	76,8	-
Рангбаранглик, %	-	-	-	88,8	95,4	6,6
Ранг ифодаланиши, %	-	-	-	-	87,2	-
Синфлилик (эл. ва I), %	79,5	88,9	9,4	76,4	86,3	9,9
Қоракўл терилари экспортбонлиги, %	47,9	57,9	10,0	60,6	84,3	23,7

Жадвалдан кўриш мумкинки, муҳим селекция белгилар бўйича турли популяцияларда авлодлар давомида эришилаётган ривожланиш, яъни селекция дифференциали бир хил эмас. Бу эса келгусида селекция жараёнини қайси белгига йўналтиришни белгилаб бериши мумкин.

Белгиларнинг ирсият билан боғлиқ қисмини аниқлашда уларнинг ирсийлик коэффицентлари аниқ маълумот беради. Ирсийлик коэффицентлари билан селекция дифференциалининг кўпайтмаси авлод давомида ирсият билан боғлиқ ҳолда белгилар миқёсида қайд даражадаги селекция эффекига эришиш мумкинлигини аниқлаб беради.

Ушбу йўналишлардаги тадқиқотлар натижалари 8-жадвалда умумлаштирилган.

Муҳим селекция белгиларнинг ирсийлик коэффицентлари (h^2) ва селекция эффеки (R)

Кўрсаткичлар	Хўжаликлар					
	Жонгелди			Сарибел		
	h^2	S	R (h^2S)	h^2	S	R (h^2S)
Гул типи	0,71	17,1	12,1	0,58	-	-
Гул узунлиги	0,49	2,8	1,4	0,45	-	-
Гул мустаҳкамлиги	0,63	15,3	9,6	0,61	-	-
Гуллар расми	0,83	12,7	10,5	0,64	-	-
Рангбаранглик	-	-	-	0,73	6,6	4,8
Ранг ифодаланиши	-	-	-	0,61	-	-
Синф	0,81	9,4	7,6	0,70	9,9	6,9

Олинган маълумотлар селекция гуруҳлардаги қўйлар муҳим белгилари бўйича етарли юқори ирсий асосга эга эканлигини кўрсатиб, ушбу кўрсаткич ва аниқланган селекция дифференциаллар улар бўйича бажарилган селекция ишларининг юқори самарали бўлишини таъминлаши аниқланди. Бу эса селекция ишларини белгиларнинг генетик параметрларини инобатга олиб юритиш қўйлар ирсиятини яхшилаш ва экспортбон қоракўл маҳсулотини ишлаб чиқариш салмоғини ошириш имконини беради.

Диссертациянинг “Турли экологик шароитда ирсий асосланган белгиларнинг намоён бўлиш ва ўзгарувчанлик хусусиятларини, уларнинг генетик параметрларини ўрганиш, қўйлар маҳсулдорлик салоҳиятини бошқаришнинг соддалашган усулини ишлаб чиқиш” деб номланган бешинчи бобида гул, жун-тола сифати, ранг белгиларининг ўзгарувчанлиги, уларнинг корреляцион боғлиқлиги, ирсийланиши каби генетик параметрлар асосида қўйларнинг маҳсулдорлик салоҳиятини бошқариш усулини ишлаб чиқиш йўналишларида олиб борилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

Ўзгарувчанлик ирсиятнинг мустақамлигини кўрсатувчи муҳим генетик категория бўлиб, унинг катта-кичиклигига қараб селекция натижадорлигини маълум даражада олдиндан айтиш мумкин. Ушбу хусусиятларнинг ўзига хос аҳамияти бор. Катта ўзгарувчанликда мақсадга эришиш секинлашди, яъни авлодлар ҳар хил кўрсаткичларга эга бўлади, лекин танлаш имкониятлари кенгайди. Кичик ўзгарувчанликда гомозиготлик ҳолати кучайиб, белгиларнинг авлодларда кўзланган мақсадга мос келиш даражаси ортади. Лекин келгуси авлодларда танлаш имкониятлари пасаяди.

Қайд этилганлар нуқтаи назаридан тажрибадаги қўйлардан олинган авлодларда муҳим селекцион белгиларнинг ўзгарувчанлик даражаларини ўрганиш йўналишида тадқиқот ишлари олиб борилиб, ушбу йўналиш тадқиқотлари натижвлари бўйича қуйидагиларни айтиш мумкин:

юқори сифатли авлод олиш учун фойдаланилаётган қўйларнинг, гарчи улар юқори синфларга мансуб бўлсада, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш селекция самарадорлигини ошириш имконини беради;

синалган насли кўчқорлар бир хил синфлиликда бўлса ҳам муҳим белгиларини авлодларга беришда сезиларли даражадаги ўзгарувчанликни намоён этади;

ипаксимонлик ва ялтироқлик кўрсаткичлари ўзаро кучли боғлиқликда намоён бўлади. Ялтироқлик кўрсаткичи ипаксимонликка нисбатан қора рангли кўзиларда кучаяди. Бу эса кучли ялтироқлик ва меъёрли ипаксимонлик ҳолатида қора рангли кўзиларда сифатли ва мустақам гулларнинг шаклланишини таъминлайди;

турли экологик шароит муҳим селекцион кўрсаткичлар ҳисобланган сур рангининг ифодаланиши ва текислигига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Қорақўл қўйлари селекциясида муҳим селекцион белгиларнинг ирсийланиш ва ўзаро боғлиқлик хусусиятлари ва даражаларини билиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, белгиларнинг ирсий жиҳатдан асосланганлигини кўрсатади. Белгиларнинг авлодларда юзага чиқишига генотипнинг таъсирини кўрсатувчи ирсийлик (h^2) коэффициентларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилди. Ушбу йўналиш тадқиқотларида белгиларнинг юқори ирсийлик коэффициентлари аниқландики, улар қўйлар маҳсулдорлик салоҳиятини самарали бошқаришга асос бўлади.

Тадқиқотлар давомида муҳим селекцион белгилар намоёнлигининг йиллар бўйича ўзгариши таҳлил қилинди (9-жадвал).

Тажрибадаги кўзилар селекцион белгиларининг йиллар бўйича ўзгарувчанлиги, %

Ранг гуруҳлари ва белгилар	Йиллар		
	2018	2019	2020
Қора рангли кўзилар (кўчқорлар бўйича ўртача)			
1. Ўрта гулли авлодлар салмоғи	72,5	86,1	89,0
2. Узун ва ўрта узун гулли кўзилар	83,7	81,0	86,6
3. Аниқ ПК ва ПТ расмли кўзилар	77,9	80,6	79,9
4. Юқори жун-тола сифатига эга кўзилар	77,9	84,2	91,1
5. Элита ва I-синфли кўзилар	82,2	85,3	89,5
Сур рангли кўзилар (кўчқорлар бўйича ўртача)			
1. Ўрта гулли авлодлар салмоғи	-	85,4	78,9
2. Узун ва ўрта узун гулли кўзилар	-	86,6	88,2
3. Аниқ ПК ва ПТ расмли кўзилар	-	83,7	82,8
4. Юқори жун-тола сифатига эга кўзилар	83,8	85,5	90,4
5. Аъло ва ўрта ранг ифодаланишига эга кўзилар	-	91,8	92,8
6. Қимматли рангбарангликдаги кўзилар	91,5	92,1	93,8
7. Элита ва I-синфли кўзилар	82,1	82,0	84,9

Жадвал маълумотлари тажрибадаги кўчқорлардан олинган авлодларда муҳим селекцион белгилар намоён бўлишининг яхшиланиб борганлигини кўрсатади. Бундай яхшиланиш 2020 йилда 2018 йилга нисбатан қора рангли кўзиларда ўртагуллилик бўйича 16,5 фоизни, узун ва ўрта узун гулли кўзилар бўйича 2,9 фоизни, аниқ расмли кўзилар бўйича 2,0 фоизни, жун-тола сифати юқори кўзилар бўйича 13,2 фоизни, элита ва I-синфли кўзилар салмоғи бўйича 7,3 фоизни ташкил этгани аниқланиб, сур рангли кўйлар авлодларида селекцион белгиларнинг йиллар бўйича яхшиланиши 1,6-6,6 фоиз даражасида қайд этилди.


Қора рангли кўйларда танланган муҳим селекцион белгиларнинг авлодлар белгилари билан корреляцион боғлиқлиги (r)

№	Авлодлар белгилари	Жуфт-лик сони	Кўйлар белгилари				
			гул типи	гул узунлиги	гуллар расми	гул кенглиги	жун-тола сифати
1.	Гул типи	50	0,67 ^{x)}	0,55 ^{x)}	0,48 ^{x)}	0,62 ^{x)}	0,57 ^{x)}
2.	Гул узунлиги	50	0,59 ^{x)}	0,78 ^{x)}	0,71 ^{x)}	0,61 ^{x)}	0,48 ^{x)}
3.	Гул расми	50	0,71 ^{x)}	0,76 ^{x)}	0,59 ^{x)}	0,44 ^{x)}	0,46 ^{x)}
4.	Гул кенглиги	50	0,53 ^{x)}	0,45 ^{x)}	0,46 ^{x)}	0,54 ^{x)}	0,39 ^{x)}
5.	Гул мустаҳкамлиги	50	0,64 ^{x)}	0,59 ^{x)}	0,71 ^{x)}	0,56 ^{x)}	0,43 ^{x)}
6.	Жун-тола сифати	50	0,53 ^{x)}	0,63 ^{x)}	0,61 ^{x)}	0,40 ^{x)}	0,54 ^{x)}
7.	Жун-тола узунлиги	50	0,49 ^{x)}	-0,48 ^{x)}	0,67 ^{x)}	0,61 ^{x)}	0,45 ^{x)}
8.	Жун-тола пигментацияси	50	0,47 ^{x)}	0,47 ^{x)}	0,45 ^{x)}	0,47 ^{x)}	0,56 ^{x)}
9.	Тирик вазн	50	0,39 ^{x)}	0,31 ^{x)}	0,47 ^{x)}	0,49 ^{x)}	0,35 ^{x)}
10.	Тери қалинлиги	50	0,39 ^{x)}	0,35 ^{x)}	0,41 ^{x)}	0,49 ^{x)}	0,51 ^{x)}
11.	Тери мустаҳкамлиги	50	0,52 ^{x)}	0,54 ^{x)}	0,52 ^{x)}	0,39 ^{x)}	0,49 ^{x)}

x-P<0,05; x) – P<0,001

Қоракўлчиликда кўйларни селекциялаш жараёни кўп белгилар бўйича олиб борилади. Табиийки, бундай шароитда қисқа муддатда селекцион самарага эришиш қийинлашади. Шу нуқтаи назардан ушбу жараёни соддалаштириш зарурати туғилади.

Бундай мақсадга эришиш учун белгилар орасидаги корреляцион боғлиқлик ва ирсийланиш даражаларини ўрганиш ва шу асосда бошқа белгиларга таъсир этувчи муҳим белгиларни аниқлаб олиш ва шу белгилар бўйича танлаш ва жуфтлаш ишларини олиб бориш ўта аҳамиятли ҳисобланади. Ушбу йўналиш тадқиқотларининг натижалари 10-жадвалда ва 2-расмда келтирилган.



2-расм. Белгиларнинг ирсийлик коэффициентлари

Кўйлар муҳим селекцион белгиларининг авлодлар белгилари билан корреляция даражаларини ўрганиш натижалари улар орасидаги ўрта ва юқори боғлиқликни кўрсатиб, бундай боғлиқлик 0,35 дан 0,78 гача ($P < 0,05$; $P < 0,001$) бўлган диапазонда вариацияланиши кузатилди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, қайд этилган боғлиқлик даражалари ва етарли ирсийлик коэффициентлари кўйларнинг кўрсатилган бешта белгиси орқали авлодларнинг барча селекцион белгиларини яхшилаш ва уларнинг маҳсулдорлик салоҳиятини бошқариш имконини беради. Бу эса олиб бориладиган селекция ишларини соддалаштиришга имкон яратади.

Диссертациянинг **“Турли “генотип-ташқи муҳит” шароитида селекцион белгиларнинг сақланиши ва зотнинг салоҳиятидан унумли фойдаланишнинг илмий асосланган йўллари аниқлаш”** деб номланган олтинчи бобида турли экологик ҳудудларда жун-тола ва гул кўрсаткичларининг ўзгарувчанлигини баҳолаш, уларни урчитишни морфо-биологик, иқтисодий жиҳатдан қиёсий баҳолаш йўналишларида олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлилланган.

Бу борада тадқиқотлар турли “генотип-ташқи муҳит” шароитида қоракўл кўйлари авлодларида намоён бўлган селекцион белгиларнинг турли ёш даврларида сақланиши ва ўзгаришини ўрганиш асосида кўйларнинг

салоҳиятидан унумли фойдаланишнинг илмий асосланган йўллари аниқлашга йўналтирилди. Бунда тажрибадаги қўзиларда жун толасининг ўртача узунлиги қумли чўл ҳудудида $9,23 \pm 0,23$ мм, гипсли чўл ҳудудида $10,1 \pm 0,17$ мм, тоғ олди ярим чўл ҳудудида $10,7 \pm 0,23$ мм ни ташкил этиб, бу кўрсаткичнинг энг юқори ўзгарувчанлиги тоғ олди ярим чўл ҳудудида ($C_v=28,0\%$) қайд этилди.

Қимматли, мустаҳкам, узун гулли, параллел-концентрик ва параллел-тўғри гул расми қўзилар салмоғининг юқори даражада ($30,9-78,2\%$) намоён бўлиши қайд этилди. Қўзиларда гулларнинг сақланиш ва у билан боғлиқ бўлган асосий селекцион белгиларнинг ўзгарувчанлик даражаларини ўрганиш натижаларига таяниб айтиш мумкинки, гулларнинг бузилиши асосан уларни шакллантирувчи жун толаларининг узайиши туфайли юзага келади ва бундай ҳолат қумли чўлда секинроқ, бошқа ҳудудларда тезроқ рўй беради.

Тадқиқотлар давомида тажрибадаги қўйлардан олинган F_2 -бўғин авлодларини баҳолаш бўйича изланишлар олиб борилди. Бу йўналишда гул кўрсаткичларини сақлаган бирламчи гуруҳ қўйлар авлодлари муҳим селекцион белгиларининг сақланиш ва ёш даврлари билан корреляцион боғлиқлик даражалари ўрганилиб, авлодларда гул кўрсаткичларининг ҳар хил ёш даврларида сақланиши қўйларнинг урчитилиш ҳудудидга боғлиқ бўлиши кузатилди.

Ушбу йўналишдаги тадқиқотларда олинган маълумотларнинг ҳудудлар бўйича таҳлили кўрсатдики, қумли чўл шароитида гул кўрсаткичларининг сақланиш даражаси гипсли чўл шароитига нисбатан маълум, тоғ олди ярим чўл шароитига нисбатан барча ёш даврларида сезиларли устун даражадаги кўрсаткичга эга бўлади. Бунда қумли чўл шароитида 10-15 кунликда гулларнинг 86,2 фоизи, 16-22 кунликда 73,6 фоизи, 23-30 кунликда 52,4 фоизи сақланиб қолса, бу кўрсаткичлар гипсли чўл шароитида 80,2; 71,6 ва 47,9 фоизни, тоғ олди ярим чўл шароитида эса 66,4; 43,8 ва 24,9 фоизни ташкил этиши кузатилди.


Бу кўрсаткич бўйича маълумотларнинг ҳудудлар бўйича таҳлили қумли чўл ҳудудида олинган қўзилар жун толасининг бошқа ҳудудларда олинган қўзиларга нисбатан ишонч критерийси даражасида ($P < 0,001$ ва $0,01$) қисқа бўлишини кўрсатмоқда, ушбу ҳолат уларнинг гул кўрсаткичларининг тез бузилишига тўсқинлик қилади.

Бу белгиларнинг маълум ёш даврлари билан корреляцияларини ўрганиш натижалари кўрсатмоқдаки, гулларнинг сақланиши қўзиларнинг 1-3 кунлик ёш даври билан кучли корреляцион боғлиқликка эга ($0,54$, $P < 0,001$) бўлиб, бу боғлиқлик даражасининг, гарчи ишонч критерийси чегарасида бўлса ҳам ($P < 0,01$; $0,001$), ёш даврининг кейинги босқичларида маълум даражада пасаяйиши ($r=0,39$; $0,32$; $0,41$) аниқланди.

